



XXI
аср
остона-сига

ДИЛ ИЗХОРИ

Маъсуда БАДАЛОВА,
169-мактаб директори ўринбосари:
— Келажаги буюк давлатимизни кадрлайдиган, довуғини оламга ёядиган, Ватани билан фахрлана оладиган ёш авлод вояга етмоқда. Мустақиллик туғайлигина ёшларимиз жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларида ўқиш имконига эга бўлдлар. Уларга ҳавас билан, меҳр билан боқаману кириб келётган асримизда, албатта илмга чанқок, билими кучли, юртга меҳрли, миллатга садоқатли ёшлар ўзбекистон номини юксакларга кўтардилар ва юрт тараққийотида ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар деб ўйлайман.

Максудхўжа МУРОДХЎЖАЕВ,
шифокор, «Шўхрат» медали соҳиби:
— Соғлом авлод йилида аҳоли саломатлиги йўлида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш мамлакат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталди. Соғлом ондан соғлом фарзанд дунёга келади. Юзлаб беморларнинг дардига дармон бўлган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган бир шифокор сифатида айтмоқчиман — XXI асрда тинчлик, омонлик, фарзандларимиз соғ бўлишини.

Шохиста МУХСИМОВА,
уй бекаси:
— Она учун фарзанд камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Бешиқда ором олиб улаётган жажжи болажон, бочка томон чоққиллаб кетаётган қизалоқ, устозини жон қўлиги билан тинглаётган ўғлон тинч юртдагина камол топади. Илоҳим, оналарнинг аллоси, болажонларнинг шўх кулгуси ҳамиса янграб турсин.

Дилдора САИДБЕКОВА,
342-бочка мудираси:
— Азиз фарзандларимизни митти жонларга ўхшатаман. Уларнинг қанотлари эса ота-оналардир. Бу қанотлар уларнинг пушти-паноҳлари. Илоҳим, мана шу митти жонларнинг қанотлари қайрилмасин. Мустақиллик туғайли рўбга чиққан қадриятларни ҳурматлаш, ота-онани эъзозлаш, маънавий меросни сақлаш, софлик ва ҳалоллик руҳида тарбияланаётган фарзандларимиз бағри бутун, юртимиз қорига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етсинлар. Келаятган асримиз ҳамма яхши ниятли инсонларнинг асри бўлсин.

Шўхрат КЎЧКОВ,
Юнусов туманидаги 271-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси:
— Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Ливандagi муваффақиятисиз иштироки XXI аср арасида биз жисмоний тарбия ўқитувчилари зиммасига болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни ривожлантиришдек улкан вазифани қўйди. Шуни ишонч билан айтишим жоизки, юртимизда иқтидорли болалар жуда кўп. Фақат уларни тўғри тарбиялаб зўрларини саралаб нуфузли мусобақаларга пухта тайёрласак, ишонамани кириб келаятган XXI асрда ўзбек футболни ўзининг нималарга қодирлигини бутун дунёда намойён қилади.

Азиза ИЛҲОМОВА,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети талабаси:
— Ёшлигимдан орзуим шарқаро журналист бўлиш эди. Шукрки, истилқоқ шарафати туғайли XX аср ниҳоясида мана ниятimgа эришдим. Бу не бахти, мен тенги ёшлар XXI аср арасида жаҳоннинг турли нуқта-таларидан интернет тармоғи орқали ўзларига керакли бўлган ахборотни олиш имкониятига эга. Худо ҳохласа кириб келаятган янги аср бундан-да илм-фан, техника, компьютер ниҳоятда юқори қўққига чиққан аср бўлади. Янги йил ҳар бир юртдошимга бахт-саодат келтирсин.

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган ◆ № 149 (9.493) 2000 йил 20 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда



Қурилиш

«ФЕРУЗА»ГА ЧИРОЙ ҚЎШАЁТГАНЛАР

Айни дамларда киш фасли бўлишига қарамай бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган кўли гул қуврувчилар гайрат билан меҳнат қилаётганлигининг боиси бор, албатта. Улар келаятган Янги йил - янги асрни шахримизни янада обод, одамлар кўнглини шод этиб қўтиб олиш ниятида тер тўкишмоқда.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани «Феруза» даҳасида ушбу йилда қўлаб замонавий ва шинам турар жой бинолари бунёд этилди. Шу кунларда фойдаланишга топширилган мўлжалланаётган ва Қодиров кўчасига чирой бағишловчи яна 4 та уйда охириг юмушлар ҳам ниҳоясига етмоқда. Хар бири 16 тадан оилага мўлжалланган бу 4 қаватли уйлари «Ўзбексуқув» ва «Қурилиш» трестига қарашли 2-механизацияланган уйсолик комбинати бунёдкорлари қуриб битказишмоқда. Қурилишнинг бош пудратчиси ҳисобланган ушбу ташкилот қуврувчилари «Ўзғайжамгарма-банк» уйбундасига қўлаб қўлаб ишларини йил бошида бошлашган эди. Йил охирида эса барча саъй-харакат бу турар жой биноларини 64 та оилага бекам кураш яшаши учун топширишга қаратилган. Шу боис бўлса керак бош пудратчи ва уларга мадд бўлаётган ёрдмам пудратчи қуврувчиларининг бир гайратига ун гайрат қўшилган.

— 2000 йил бошида худди шу даҳада 4 та турар жой биносини қуриб битказган эдик, — дейди ишбоши Хайриддин Ғуломов. — Ана шу уй соҳиблари ишимиздан мамнун бўлишган эди. Хозирда қурилиш тугалланаётган 1-5-6-7-уялар лойиҳа асосида ниҳоятда кўркям, яшовчилар учун қўлай ва шинам қилиб бунёд этилди. Тажрибали қуврувчиларимиз сифатга алоҳида эътибор қаратишди. 1-уй кўп болали оила-

ларга мўлжалланган бўлиб 4 ва 5 хонадан иборат бўлса, қўлган уялар 3 ва 4 хоналидир. Шунингдек, кенг ошхона, қўлай айвонлар яшовчилар талабига тўла жавоб беради. Айни дамда эса сўнги пардоз юмушлари ҳамда уялар атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошираётиб.

Уйлари бунёд этишда 200 нафардан зиёд қувручи иштирок этди. Жалб этилган техниклар эса бунёдкорларга ҳақиқий мадддор бўлишди. Айниқса, Хусан Тошматов, Замира Орипова, Лазиз Алимхўҷаев, Абдурашид Султонов, Ғулом Тешабоев, Лида Павленко сингари тажрибали тикловчи, дуррадгор, бўёқчи, сувоқчи ва бошқа ҳунар эгалари ўз ишларини сиқидилдидан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Бу замонавий уялар қалитлари байрам арафасида хонадон эгаларига топширилади. Бунёдкорларнинг ушбу соғвасидан, албатта уяларда истикомат қилувчиларнинг кўнглилари тоғдек кўтарилади. Уларнинг мамнун чехралари эса бунёдкорларга янада гайрат-шижоат бағишлаши, шубҳасиз.

Дилноза ҒИБОВА,
СУРАТЛАРДА: илгор қуврувчилар Ғулом Тешабоев, Мамашукур Қунов, Хусан Тошматовлар; фойдаланишга мўлжалланаётган уялар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Танловлар

ТОШКЕНТ ҒЎЗАЛИ КИМ БЎЛАДИ?

Янги йил бўсағасида пойтахтимизда «Мафтуна» танловининг финал босқичи бўлиб ўтди ва унда Тошкентнинг энг назокатли, жозибали, мафтунокор ғўзали аниқланди.

КЕЧА

«Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида мазкур «Мафтуна» танлови ташкилий қўмитасининг ақуновчи босқич олдидан йилгилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур тадбирга тайёргарликлар, танловнинг сценарийси, ҳайят аъзолари ва ҳомийлари аниқлаб олинди.

Авал хабар бериб ўтганимиздек, «Мафтуна» танловига иштирок этиш учун жойларда туман босқичлари бўлиб ўтган эди. Пойтахтимизнинг 11 та туманидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда юқори синф

қўшма корхоналари, Тошкент халқаро бизнес маркази, ушбу танловнинг асосий ташаббускори ва ташкилотчиларидан бири «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасидир. Ҳомийлар орасида Тошкент ғўзалига асосий совринларни (Италия ва Малайзияга йўлланма) «Узинтур», «Вентур», «Осие тур-бизнес» туристик компаниялари тақдим этишди. Машҳур «Adidas» ва «Reebok» фирмалари қатнашчилари спорт кийимлари билан таъминлайди.

Бундан ташқари «Мафтуна» танловига иштирок этаётган барча қизлар 28-29 декабрда қизлар «Ўзқўрғазмасавдо» марказида бўлиб ўтаётган Янги йил шоу-фестивалида ҳам қатнашадилар.

«Мафтуна» танловининг финал босқичи 22 декабрда «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида бўлиб ўтади.

Шохиста МАХМУДОВА.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙДИ

Янги йил нафаси

Республика «Маҳалла» жамғармаси бош-қошқисига мана, олтинчи йилдирки қўнғи ўқсик болажонларимизнинг Янги йил байрамини Президент арчаси атрофида қўнғаб, яйраб қўтиб олишлари хайрли анъана сифатида давом этмоқда. Янги аср, янги миңг йиллик арафасида бу йилги Президент арчаси тадбирини айниқса жозибали, эса қоладиган тарзда ўтказиш мақсадда ҳозирда пухта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг ижрочи директори Ақидо Азизова Президент арчасига тайёргарлик, ушбу байрам тадбирининг қўнғилдаидек ўтиши учун ўз беғариз ёрдмини аямаятган ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар фаолияти тўғрисида қўнғилдаидири сўзлаб берди.

— Хар доимгидек бу йил ҳам Президент арчаси томошаларига тайёргарликни олдидан бошлаб юбордик. Чунки, 29 ноябрдан пойтахт оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси негизида хар иккала ташкилотнинг раиси Аъзамжон Гадейбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳи тузилиб кенг қўламадаги юмушлар бошланиб кетди. Ташкилий ишларни амалга оширишда эса бизга шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдмам бермоқда.

Бу йилги Президент арчаси тадбири 29-30 декабрь кунлари «Туркистон» сариюнда бўлиб ўтади. Бунда дастлаб Тошкент шаҳридаги 21,22,23,24 ва 30-мехрибонлик уяларида тарбияланаётган болалар, сўнғ кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари байрам томошалари ва совғаларидан бахраманд бўлишади. Шуни айтиш керакки, икки кун давомида мехрибонлик уяларида тарбияланаётган, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари, етим-есирлардан ўч-миңгга қўнғи Президент арчаси байрам совғалари топширилади. Бундан ташқари ҳомий ташкилотлардан тушган маблағлар ҳисобига шаҳар касалхоналарида даволанаётган ва 16 февраль воқеаларида халок бўлган оилалар фарзандларига ҳам Янги йил совғалари берилмади.

Соғлом авлод йили, ХХ аср тўғаси ва янги миңг йиллик бошланиши муносабати билан Президент арчаси учун янги аср орзу-умидлари ақс этган ақойиб байрам дастури тайёрланди. Икки кун давомида Нодира Қурбонова раҳбарлигида «Томоша» болалар дастаси аъзолари театрлаштирилган мусиқали эртақ сахнаси ва концерт дастурини болажонлар эътиборига ҳавола этишди. Энг муҳими, яқунлаёт-

ган асримизнинг энг муҳим воқеаларини эслаш мақсадида қизқарли савол-жавоблар, викториналар ҳам уюштирилиб, энг билимдон болалар совғалар билан хушнуд этилади. Президент арчаси томошалари давомида ёш эстрада юлдузлари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Бу йилги совғалари «Россия» ўзбекистон — Болгария қўшма корхонаси ўз ширинликлари билан таъминлаган бўлса, «Ўзластитал» қўшма корхонаси арчани ўз уйин-қоқлари билан безатади. Тошкент шаҳри ва вилоятида истикомат қилувчи болаларга хизмат кўрсатиш учун «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмаси ошмоқ автобусларини ажратди.

Президент арчаси тадбирида халқимизга хос булган меҳр-оқибат, мурувват, инсонпарварлик каби хислатлар намойён бўлади. Фурсатдан фойдаланиб шаҳримиздаги миллий банк, саноат-қурилиш банки, уй-жой қурилиш банки, «Ал Машрик» савдо корхонаси, «Файз холдинг» компанияси, «Тошкентвино» ва «Қизил тонг» хиссадорлик жамиятлари, «Ўзбек-текстилмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкентсўт» хиссадорлик жамияти, «Тошкент ташки савдо» корхонаси ва кибуйроқ хамкор ташкилотларга ўз мурувват ва саховатларини аямангликлари учун чуқур миннатдорчилик билдирмади.

Шуни истардимки, асримиз меҳр-мурувват ва саховат асри сифатида яқунлаиб, ушбу хайрли анъаналар янги асрда ҳам давом этаверсин. Уйлаيمانки, ҳоҳятбарор, ҳомий ташкилотлар, саховатли инсонлар бор экан, халқимиз, айниқса дили ўқсик, меҳраг муҳтож болажонларимиз кўнғилли доимо кўтарилиб, хурмату эъзозда бўлаверадилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Қорақалпоғистон маданияти кунларининг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримовга қалбларини тўлқинлаштириб турган миннатдорчилик туйғулари изҳор этилган Муружаатнома қабул қилдилар.

◆ Хисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш буйича ҳукумат комиссиясининг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш буйича кичик комиссиясининг йилгилиши бўлиб ўтди.

◆ Кеча пойтахтимизда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан «Ўзфармасаноат» давлат-ақциядорлик концерни ҳамкорлигида Ўзбекистон фармацевтика маҳсулотлари ярмаркаси очилди. Унда мамлакатимиздаги 100 дан кўпроқ корхона ўзиде ишлаб чиқарилаётган турли доридармон воситалари, доривор усимликлари ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан қатнашмоқда.

◆ Қаршида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалалари буйича минтақавий семинар бўлиб ўтди.

◆ Навоий вилоятининг Томди туманида 600 ўринли қишлоқ хўжалик коллежи бунёд этилди.

◆ Самарқандда умумий майдони 500 квадрат метрлик савдо маркази фойдаланишга топширилди. У «Брефак» ўзбекистон-Франция қўшма корхонасининг тўғрисида.

◆ Хитой Халқ Республикасининг «СНПС» компанияси Тошкент метросининг «Собир Раҳимов» бекатини Сергели тумани билан боғловчи 9,3 километрлик тўртинчи йўналишини барпо этиш учун зарур бўлган турли механизмлар, автоматик тизимлар билан бир қаторда 40 та вагон юбориши ўз зиммасига олди. Хитой компанияси делегациясининг Тошкентга қилган сафари пайтида томонлар метро қурилишига Хитой молия сармоясини ажратиш тўғрисида келишиб олишди. У 10 йил муддат билан 200 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратадиган бўлди.

◆ Жаҳон иқтисодий ва дипломатияси университетида «Умид» жамғармаси стипендияларини — хориждаги олий ўқув юртлирининг битирувчилари ва шу йилгити ва қизлар ҳозирги пайт-

да ишлаётган республика вазирликлари, идоралари, ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

◆ Наманган шаҳрида «Она ва бола скрининг» тиббий маркази фойдаланишга топширилди. Наманганнинг «Шифокорлар шаҳарчаси» деб аталувчи «Ўзал» турар жой даҳасида барпо этилган ушбу саломатлик маскани ҳаётимиз гултоғи бўлган оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

◆ Адлия вазирлигида қўй тармоқли агросаноат биржаси тизимига кирувчи «Бухоро агросаноат биржаси» рўйхатга олинди.

◆ Тошкент автомобиль ва йўллар институти олимлари биринчи ўзбек энгил автомобили лойиҳасини яратишга муваффақ бўлдлар. Ичмам кўришилди, ўзига хос конструкциядан иборат «Сино» автомобилни йилгиси ва бутлаш тарафиди қўрилмоқда. Олий ўқув юрти тақдим этган яна бир янги лойиҳа «УАЗ-фермер» русумли машинани чиқаришга асос бўлди.

◆ Кеча Хоразмда бетакор истевдод соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов номидига II Республика хонадалар танлови бошланди. Ушбу танлов доирасида Урганчада машҳур хофиз ҳаёти ва ижодида бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

◆ «Ўзфармасаноат» концернининг «Туронтиббий-сервис» давлат қўшма корхонаси энг янги тиббий техника ва асбоб-ускуналарнинг маҳаллий намуналари қўргазмасини очди.

◆ Тошкентнинг «Байналмилал» ногирон футболчлар клуби Москва мейраси Кубогининг соҳиби бўлди ва Россия очиқ чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади.

◆ Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси Халқаро қиличбозлик федерациясининг тўла ҳуқуқли аъзоси этиб сайланди.

ЖАҲОНДА

◆ Россия Федерацияси Президенти В. Путиннинг Канадада ташири ниҳоясига етди. Канада Бош вазирси Ж. Кретьен билан олиб борилган музокаралар ақунда бир қатор икки томонлама битимлар имзоланди. Асосан қуролсизланиш ва савдо масалалари мухокама қилинди.

◆ Бундан Вашингтонда ёпиқ эшиқлар ортда Фаластин ва Исроил делегацияларининг тўғридан тўғри бўлмаган музокаралар бошланади. Музокаралар АҚШнинг воситачилигида ўтади.

◆ Хиндистон Бош вазирси Атал Бихари Важапайи Покистон билан узаро алоқаларни барқарорлаштириш масаласида музокаралар ўтказишга тайёргарлик билдирди. Бироқ бунинг учун расмий Исломобод Хиндистон шимолида фаолият кўрсатаятган террорчи гуруҳларга қўмақ беришдан тийилиши лозим, деди Бош вазир.

◆ Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонасида «Япония-Ўзбекистон» дўстлик Ассоциациясининг сайй-ҳаракати билан урушдан кейинги йилларда тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда яшаган япон фуқаролари билан учрашув бўлиб ўтди.

◆ Россия Федерацияси Бош вазирси М. Касьянов Парижда Франция Республикаси Бош вазирси Л. Жоспен билан музокаралар олиб борди. Россия қарзларини Россия иқтисодийга конвертация қилишга Франциянинг розилиги ушбу учрашувларнинг пировад натижаси бўлди.

◆ АҚШ Мудофаа вазирси Уиллям Коэн Косовода халқаро тинчлик қўнғил хизмат қиладиган америкалик ҳарбийлар ушбу ўлкада яна қолшини билдирди.

◆ БМТ Бош қотиби вакили Мария Окабе Африкада мурувват кўрсатиш билан шуғуланаётган ташкилотлар аъзолари ушбу давлатдан чиқарилаётганини маълум қилди.

◆ Халқаро валюта жамғармаси директорлар кенгаши Молдовага 142 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз ажратиш ҳақидаги дастурни маълум қилди. Бу дастур уч йилга мўлжалланган. Жамғарма вакилининг билдиришича, бу маблағни қашоқликни тутатиш ва иқтисодийни ривожлантиришга сарфлаш кўзда тутилган.

◆ Чеченистон Давлат Кенгашининг бошлиғи М. Сайдуллаев маъмурият бошлиғи А. Қодировнинг Чеченистоннинг янги ҳукуматида раҳбарлик қилиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

◆ Польшанин тиббий ҳамширалари бутун мамлакат бўйлаб иш ҳақларини оширишни талаб қилиб умумий иш ташлашлар ўтказишмоқда. Бироқ маъмурулар уларнинг талабини қондиришга ҳаракат қилмаётгани.

◆ Қирғизистоннинг қонун чиқарувчи ассамблеяси ер тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Унга қўра қишлоқ жойларда камида икки йил яшаб, ишлаган меҳнатчилар 50 гектардан зиёд бўлмаган ерни сотиб олишлари ва сотишлари мумкин. Чет эл фуқароларига бу қонун тадбиқ этилмади.

◆ Саудия шаҳзодаси Волид ибн Талол ан-Сауд Шарқнинг тугаётган миңйиллигида энг бой одами сифатида тан олинди.

◆ Германиянинг кўп миллатли бўлишига қаршилик кўрсатишда танланган ГФРнинг собиқ канцлери Г. Коьл ўгли Петерга турк қизининг турмушга чиқилиши сўраб Туркияга сафар қилди.

◆ Хўш, Янги Гвинеяда ошмиқ машуқлар эш севиғларини бир-бирларига қандай изҳор этишади? Ийгит севган қизининг олдида илтифот билан бориб, бир томонига ўз сурати ёпиштирилган тахтача билан севган қизининг рўзини сийлайди. Бу «Мен сени севаман, кел, турмуш қурайлик», дегани экан. Ийгит-қиз шу усулда бир-бирларига дил изҳор қилишаркан.



Шахримизнинг Миробод туманидаги 110-мактабда «Умумтаълим мактабларида «Миллий истиқлол гоёиси: асосий тушунча ва тамойиллар» дарсларини ташкил этиш» мавзuida амалий конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамкорликда ташкил этган ушбу анжуманда шахримиздаги барча мактаблардан ўқитувчилар, халқ таълими ходимлари иштирок этишди.

АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Анжуманлар

қилишда мактаб кутубхонаси имкониятларидан фойдаланиш» сингари мавзуларда маъруза қилдилар. Конференциянинг иккинчи қисмида 8-мактаб ўқитувчиси М.Жамоллиддина мавзуда кутубхонасида, 157-мактаб ўқитувчиси А.Шамсиева мактабнинг маънавият ва маърифат хонасида Юртобшамизнинг «Миллий истиқлол гоёиси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли китобини мактабларда фан сифатида дарсларда қандай ўқитилиши тўғрисида амалий дарслар ўтказдилар.

Оммавий-мудофаа ойлиги

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

«Ёшларни Ватанга садоқатли, фидойи, билимли, юксак маънавиятли, мустақил давлатимиз дахлсизлигини қўз қорачигидек ҳимоя қила оладиган, мард, жасур йигитлар қилиб тарбиялаш мустақиллигимизни мустахамлашимизнинг гаровидир.»

— Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган Оммавий-мудофаа ойлиги Тошкент шаҳридаги ҳар бир туманда жамоат ва давлат ташкилотларида ҳамкорликда ўтказилади. — деди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши асосан ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спортнинг ҳарбий-амалий турларини риоялантиришга қаратилган. Шунингдек, жойларда турли хил спорт мусобақалари уюштириш, ҳарбий қисмларга ва музейларга ташириш буюриш, маъруза, давра суҳбатлари уюштириш режалаштирилган. Таъбир сўзида спортнинг техник ва оммавий турлари бўйича Ўзбекистоннинг энг кучли спортчилари ва мураббийларига, «Ватанпарвар» ташкилотига асосан ёшларга таълим бериш келаятган фаолларга фахрий ёрлик ва кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилади.

йўналишда ўқувчилар онгига сингдиришдан иборат. Бу китоб ёшларимизни чин ватанпарвар, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида камол топишларида муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Луқма

ЎЙМАКОР УСТУНЛАР ҚАЁҚҚА ЙЎҚОЛДИ?

Хар замонда улфатлар билан чойхонада дам олишнинг ўзига яраша гашти бор. Бундан бир неча йиллар муқаддам оғайнилардан бири Қорақамиш даҳасида жойлашган «Фаргона» чойхонасида дам олишни таклиф этди. Борди. Очиги маъзур чойхонанинг ўзига хос улугвор салобати, кенг ва шинам хоналарининг кўпчилиги бизда илқ тасвирот уйғотган бўлса, миллий хонамандчилик санъати асосида бунёд этилган 10 дан ошқ уймакор устунлар билан ўзгача чирой касб этган бу маканга ташириш буюрганимиздан роса қувондик. Шу кун назаримда «Фаргона» чойхоналари ичида энг чиройлиси, энг салобатлиси бўлиб туюлди. Аммо...

ган 1982 йилдаёқ хом иш қилинган экан. Яъни аниқланишимча ўймакор устунлар аслида чинор дарахтидан эмас, балки бақатеракдан ишланган туйдайли йиллар давомда аста-секин кўртлашиб натижасида чирмаган, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Натижада устунлардан воз келишига, умуман бу жойни қайта таъмирлашга тўғри келди. Чунки нафақат устунлар, балки бино томлари ҳам ишдан чиққанлиги боис ёлғир-қорда доимий чакка ўтавериб, мижозлар учун таом тайёрлашнинг иложи бўлмай қолди. Дарвоқе, бу чойхона энди ҳусусий қорхона сифатида «Фаргона-таом» деб номланди. Шуниси қувончлики эндиликда аҳолига 3 та катта зал хизмат қилади. Ҳамама шарафлиқ мукҳайб. Эски аънаънага содиқ қилиб асосан бу ерда миллий таомлар тайёрланмоқда. Дам олишни хоҳловчилар учун чойхона хизматини ҳам йўлга қўйганмиз. Фақат, очингини айт-ай. Ҳозирча қайта ўймакор устунлар тайёрлашнинг иложи йўқ. Чунки бу жуда катта маблағни талаб қилади. Лекин миллий аънаваларга содиқ қолган ҳолда ўймакор устунлар ўрнида Хоразм гилтларидан ҳудди шундай ўймакорлик усулида ишланган ўзига хос бинонинг таъки қўрилиши кураими.

Курайи заминнинг якъоу ёлғиз онгли эркеси — одамзотдир. Ана шу илоҳий ҳилқат ҳисобланмиш жонли зотлар, энг олий эъзозга, юқори даражали ҳурмат ва эътиборга лойиққилар. Ақлли мавжудотнинг яна қанчалаб афзалликлари борки, унинг ҳаммасини илғаб олиш амри маҳол. Ўз даврининг буюкларни инсонни улугла-ганлар, шарафлаб мадҳ қилганлар. Амир Хусрав Дехлавий ҳазратлари:

«Бир қатра сўммаси оламда инсон, Шу қатра дилода қолот нишон», деб осмонга кўтарган.

«Мен учун, — деганди донишмандлардан яна бири, — инсондан қимматлироқ бирон бир китобий ҳақиқат йўқ. Инсон демак ўзига бутун бир оламини олиб юрадиган жону жаҳондир ва у абадул-абад ушасин». «Ердаги жамки гулаи нарсалар» — офтобдан ва барча яхши нарсалар — инсондан» деб бошқаси ҳамду санолар битган. «Қўл асрилик тарихий тахриба шундан далолат берадики, — дедилар Юртобшамиз Ислом Каримов, — жамиятнинг ҳақиқий бойлиги бу инсон, инсон авлодидир». Халқимиз нахлида «Олам аро одам азиз», «Инсон — олам беъзиги» ҳикмати халқимизда бежиз айтилмаган. Инсоният маънавий ҳазиналаридан «Авесто»да ҳам одам маромига етказиб шарафланган.

Илоҳий мажмуа «Авесто»да инсон улуглини осмонга кўтарилган. Унинг ақллиликга ҳамду санолар ўқилган. Буюк қаломда нафақат инсон, одам шарафланган, балки унга бебаҳо неъматларга ато қилганлиги зикр қилинади. Мана эътибор беринг, мўтабар манабда одамнинг яратилиши ҳақидаги муборақ калималарга дуч келадилар.

«Ахура — Маздани ўзи, — дейилган «Авесто»да, — ўз руҳидан, одамни жонли, онгли, ўзини ўзи англагучи қилиб яратган».

«Ха, оламдаги ҳамма жонли-ю жонсиз, барча борлиқнинг яратувчиси ҳам ўзи. Олий Илоҳнинг жуда кўплат бунёдкорликлари борки, аммо энг сарасини одамзотга бахшда этган. Инсон Эгамнинг эркеси десам муболага бўлмайди. Оламдаги барча яхши нарсалар одамга аталган, инсонга бағишланган. Қуйида Тангримизнинг одамларга бағишлаган тухфасидан яна бири буй кўрсатиб қолди. Томоша айланг.

Ҳақиқатда, о Арта (олаво)га инсонғучи Ситтам — Зардушт, Сени бу жисм оламнинг ҳимоятчиси — Ратава (яхши одам) деб атади. Мазда (Олий Илоҳ)

«Ва Артага садоқатли мен Ахура — Бу дунда бор мавжудот ҳомийси — деди Менинг кўрккам ва улугвор ҳимоятлида Ер озида мўжиза моллар, Йирқ моллар ҳам, Ҳуфт оёқли одамлоқ ҳам зийда — бўлди. Ҳақиқатда мен жамияти яхшиликларим, — Мазда бўлиб ўтиб, Арта сафарбар — қилди, — Аспрайдирман қўтонларда — аспрагадек қилди».

«Авесто»да одам улугворлар экан, шарафланган экан, бунинг боиси, уларда инсоний фазилатларнинг жамланганлигидадир. Ижобий ҳислатлар одамни беъзиди. Бу ҳолат ҳам илоҳий мажмуада қойил қоларли даражада таранум этилган. Инсоний фазилатларнинг одамзот учун ниҳоятда муҳимлиги ишонarli рақам этилган.

«Яхши фикр, илоҳий қонун руҳидаги» дейилган «Авесто»да, — «якин кишига мейрибон бўлиш, мухтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, 8вуз-

Тадбирлар

МЕҲР-МУРУВВАТ КЕЧАСИ

Бектемир туманида курилиб фойдаланишга топширилган «Астробод» гузари бектемирликларнинг тобора сеvimли маканига айланиб бормокда. Бу ерда тез-тез хайрли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб турилибди.

Яқинда бу ерда ўтказилган меҳр-мурувват кечаси шикаста дилларнинг дардидаги маълум бағишлади. Гузар туйхонасида дид билан безатилган байрам дастурхони атрофидан жой олган бу галги меҳмонлар тумандаги барча маҳаллалардан ташириб буюрган 300 нафардан зиёд ногиронлар бўлишди.

— Дунёда шикаста кўнглиларга маълум бағишладан, озгина бўлса ҳам қувонч олиб киришдан ҳам савоблироқ иш бўлмаса керак, — дейди биз билан суҳбатда туман оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Йўлдош Ҳўжаев. — Айни кўнгулгу рўзаи Рамазон кунлари биз етти мўчаси соғ инсонларни ногиронларга нисбатан янада меҳрибонроқ, янада саховатлироқ бўлишга ундайди. Бугунги хайриямиз ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган.

— Менинг бугунги саховат кечасидан кўнглим тоғдай кўтарилди. Бизни шундай чиройли безатилган байрам дастурхонларига тақлиф қилганлар асло кам бўлишмасин, — дейди 1-гuruh ногирони Флюра Урманова. — Гап дастурхонга тортилган оғватларда эмас. Бу ердаги байрамона рух, ногиронларга кўрсатилган ҳурмат-эътибор бир мени эмас, мен каби кўнгли ярим инсонларнинг қувончига сабаб бўлди, умрларидан барака топишсин. Ушбу хайрия кечасига ташириб буюрган республикамиз болаларининг сеvimли «Гулхан» журнали бош муҳаррири, шоир Сафар Барноев, болалар шоири Турсунбой Адашбоевлар дил сузларини изҳор этиб, ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Туман маданият уйи қошидаги рақс ва кўшиқ дасталари концерт номерлари билан хизматда бўлишди.

Мехр-мурувват ўн кунлиги доирасида тумандаги «Байрам» қаҳвахонасида ҳам 120 нафар болаликдан ногиронларга дастурхон тuzатилиб, байрам қилиб берилди. Уларга ҳам совға-саломлар улғашилди.

Булardan ташқари 120 та кам таъминланган ногиронлар оилаларига озик-оғдат маҳсулотларини иборат совғалар топширилди. 20 нафар биринчи гуруҳ ногиронларининг ҳар бирига етти миң сўмдан моддий ёрдам берилди. Еттиб қолган, тўшадан туролмайди-деган беморларнинг уйлари-га бориб, аҳолидан хабар олинди.

Бундай савобли ишларни амалга оширишда тумандаги «Ирғидромаш», «Узрибормаш» каби завод жамоаларининг, шунингдек, «Нуроний», «Соғлом авлод умум» жамғармаларининг туман бўлими ҳамда туман хотин-қизлар кўмаги-сининг хизматлари катта бўлди.

Маҳмуд ИСОКОВА.

Мозий

«АВЕСТО»ДА ИНСОН МАДҲИ

қиммига етган донишмандлардир. Сўзларнинг салмоғи залворли, пишк, пухта, жой-жойига қўйилган, омбордек тишлайди. Жумлалар шундай қолиплаганки, буй-бастига мослаб микланган. Мана азиз ўқувчилар, диққат қилинг «...якин кишига мейрибон бўлиш, мухтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шай» турар экан, лекин, бу жойда ана шу талабларга ҳам катта масъулият қўйилапти, у «якин фикрли», бунинг устига «илоҳий қонун руҳидаги» инсон бўлмоғи керак. Агар мана шу талабларга жавоб бера олмаса, унга ҳеч қанақа ёрдам йўқ. Ана азизлар, қўраясизларим, аждоқларимизнинг адолат тарозуси ниҳоятда тўғри ва соз ишлаган, ҳақиқат турмуш тарзининг асосини ташкил этган. Бунинг устига ушбу талаб ҳар қимга ёкин ҳаммадан эмас, балки «якин кишига» туйилапти.

«Авесто»нинг ибратли томонлари кўп, ўрганишга арзийдиган кирралари сироб. Аждоқларимизнинг ақли-донишлигига ҳамду санолар айтмай. Ушбу фикридан қалбимиз жунбўшга келади, шукроналик ила фахрлилик туйли-тошмай. «Авесто»ни тафаккур қайроғига ўшатишим келади, ақл чархига қўйсасамда, барибир тўла очолаётганимдан хижолатдаман. «...8вузликка ҳарши, кишилар бахт-саодати учун фаол курашишга шайлик...» дан ҳам инсонийлик ҳислати уфурдади, одампарварлик навоси таралади. Инсон манфати, одамларга гамаҳурлик мана-ман деб турибди. Фидойилик, одамлар ишида ёниш, уларни дейиш — инсонийлик фазилатларининг аспларидир, олжанооблиқнинг боши ҳам шу.

«...ҳамма билан аҳил ва тотуликда, ўз маслақдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжihatликда яшашга интилиш...» дан ҳосил бўладиган натижадаси омонлик, меваси тоғли, оқибати шарафатлиқдир. Аҳил ва тотулик инсониятнинг буюк қашфидларидан ҳисобланиб, одамийликнинг шох ҳислатларидандир. Доно халқимизнинг «Бирлашган 8уар...», «Бириккан қуч — куч, Бирикмаган пуч», «Тинчлик билан эл кўрач, ёмғир билан ер» каби ҳикматлари ҳам борки, бежиз айтилмаган. «Биродарлик», «дўстлик» ва «ҳамжihatлик» каби дурдонларнинг ҳаётдаги ўрни шунчалик каттакки, одамзотнинг сунячиғи дегинг келадил. Оғирингини енгил, қийинингини осон қилувчилар ҳам дўстлариндир. Халқ нахлида зикр қилинган «Дўст билан обод унинг», «Билги зўр бирини йиқар, дўсти кўп мингчи» каби пурҳикмат ибратномалар бекоғра айтилмаган.

Акбар ЙЎЛЧИЕВ.

Мусокул УСМОНОВ, профессор.



Ўзининг бетакдор истеъдоди, авлодларга қолдирган бой маънавий мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига бекиб хисса қўшган, бутун ҳаёти ва ижодини Ватан тараққиётига бағишлаган санъатимизнинг буюк ва беназир даргалари номи халқимиз доимо юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Бинобарин миллий маданиятимиз ва санъатимиз доврүгини бутун дунёга ёйган бундай ижодкорларнинг умр ва ижод китоби саҳифалари ўзига хос олтин зарварларидир.

Янги рукн: «Санъатимиз даргалари»

ХИЗМАТЛАРИ БУЮК ЭДИ

Машҳур мусиқа, саҳна санъати намояндаси, улкан кўшиқбардор, театр маданиятимизнинг ташкилотчи-тарғиботчи арбобларидан бири, устод ижодкор ва мурраббий Муҳиддин Қориевнинг ҳаёти ва ижодиёти кўлами кенг эди. Муҳиддин-қори (уни халқда шундай атардилар) кўп асрли маданий ҳазинамизнинг билимдон, ўқ илдири қадимларга қараб кетган мусиқий ва театру санъатимизнинг оташин, сира тиниб-тинчимас тарғиботчиси, кўшиқчилик-хофизлик соҳасининг соҳир овозли намояндаси, ўткир маҳорат соҳиб, санъатсе-варлар қалбига халқ ижодиёти дурдоналарини бисёр пайванд этиб келган чинакам нафосатнавис заргар эди.

кил этилган, М. Қориевнинг ҳаётида жиддий бурилиш бошланди, шу палладан бошлаб у бутун умрини, истеъдодини, ташкилотчилик қобилиятини театр маданиятига бағишлади; Бехбудий, Ҳамза, Ҳожи Муин, Хуршид, Қодирий, Уйғур, Фулом Зафарий саҳна асарларида роллар ўйнади, вақти-вақти билан режиссёрлик ҳам қилди, «ташвиқот труппа»лар билан фронтларда бўлди. Муҳиддин Қориевнинг ўзбекистон маданияти, санъати тараққиётида алоҳида ва ўта салмоқли ўрин тутгани, унинг муборак номи, ижодий, ташкилотчилик фаолияти республикада биринчи мусиқий-этнографик ансамблининг тузилиши билан боғлиқдир (1926 йил). У кейинчалик «экспериментал мусиқий жамоа» тузиш ишларида ҳам фаоллик кўрсатди ва 1929 йилнинг сўнгига бориб унинг асосида Республика мусиқий театри ташкил топди. Ушбу театр негизда кейинчалик Ўзбек давлат опера ва балет театри ташкил топди, бу эса Муҳиддин Қориевнинг саҳий орзуларидан бирининг амалга ошириши эди. 1923 йилда Муҳиддин Қориевнинг «Турикстон республикасининг биринчи халқ хофизини» фахрий унвонининг берилиши ҳам бежиз эмас эди.

хассос саҳна устаси 1930 йилдаги биринчи Халқаро театр Олимпиадасида ҳам иштирок этиб, ўз санъатининг ёрқин қирраларини намойиш этгани ва унга шу йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилган эди. Ўзбекистонда миллий опера театрининг майдонга келишида «Фарҳод ва Ширин» (Ш. Хуршид, В. Успенский), «Лайли ва Мажнун» (Ш. Хуршид, Т. Содиқов, Р. Глизэ), «Гулсара» (К. Яшин, М. Мухамедов, Т. Содиқов, Р. Глизэ), «Эр-Таргин» (Е. Брусил-ловский), «Аршин мол-олон» (У. Ҳожибеков), «Наргиз» (М. Магомаев), «Бурон» (К. Яшин, М. Ашрафий, Е. Василенко) опера асарлари тамал-тош аҳамиятини ўтадилар. Ушбу асарларнинг майдонга келиши, саҳналаштирилишида М. Қориевнинг бевоқиф иштироки эди ва ушбу асарлардаги ётақи роллари (партия-ларни) ҳам таъсирчан, рангин бўёқларда, ёрқин қирраларда, маҳорат билан ижро этишга муваффақ бўлди. Устод санъаткор жуда кўп шоғирду издошларни етиштирди – булар қаторида кейинчалик санъатимизнинг ҳақиқий юлдузлари бўлиб танилган, жаҳонга дов-дур таратган Тамирхоним, Лутиқхоним, Халимаҳоним, Муқаррамхоним каби машҳур ижодкорлар ҳам бор. Унинг зурриётларидан ҳам маданият, санъат ҳодимлари етишиб чиқдилар... М. Қориевнинг халқимиз, республика маданияти, санъати раванқи йўлидаги буюк хизматлари юксак эъзозланди, унга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилди; машҳур санъаткорнинг номи билан Ўзбек давлат филармонияси аталиб келди; унинг номи пойтахтдаги кўчалардан бирига беэаб турибди; буюк кўшиқбардор номидаги ёш хонандалар учун белгилаб Республика стипендияси ҳам мавжуд. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ардоқли санъаткорнинг номи янада юксак пардаларда эъзозланмоқда – таваллудининг 100 йиллиги тўйи шодина этилди; яқинда Ўзбекистон Президентини Ислом Қари-моғнинг Фармони билан унинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланиши ҳам Муҳиддин Қориев-нинг эл-юрт олдидаги хизматлари ҳақиқатдан ҳам буюклигини далиллади...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
санъатшунос олим, мунаққид.

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

ЎЗГОВ ҲИЛАНИБ

ДОНО БУЛУР...

● Инсон – олам беэаги.
● Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.
● Инсон – бир бутун олам, фақат ундаги асосий тўйғу олийжаноблик бўлса бас.
● Ҳаёт – бу бетўхтов камолотдир.
● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоҳанги узма, ўйлаб иш тут, одамларни гийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни қайғу-ғамга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.
Утиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзиндан улуглар олдида тушиб юрма, одамлар ичида бошингни куйиб солиб ўтирма, ўнгу чагга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.
Ўз фойдангни ўйлаб, обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу жадалдан қоч. Сенга иш буюрсалар ба-жар, ваъда қилсанг албатта уни уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма».

БАЙТ:
*Мен инсон деган улуг фикр-ла,
Ҳамша кўксини тутаман баланд.*
● Диллим ранжимасин десанг, гийбатчи бўлма.
● Гийбат – юракнинг безовта касали. У қалбимизни яралайдиган мудҳиш оғдир.
● Кишилар ҳаловатига гийбатчиликдек зарар келтирадиган иллат йўқдир, зеро бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.
КИССА: Бир кун доно муаллим ўз талабалари-га дарс билан машғул бўлишлари кераклигини, китобдан бош кўтармасликларини ўқитди. Шунингдек агар бирор бола ўқимайтганлигини кимда ким кўрса унга айтиши лозимлигини ихзор этди.
Орадан бир неча дақиқа ўтган эдики, бир бола ўрнидан туриб ари қилди.
– Мухтарам устоз, Фаррух китоб ўқимаяпти. Устоз боладан сўради:
– Сен уни китобга қарамаётганлигини ўз кўзин билан кўрдингни?
Нодон бола шундай деб жавоб берди:
– Ҳа, домла, ўз кўзим билан кўрдим.
Шунда доно муаллим шундай деди:
– Агар сен ўзинг китобга нигоҳ тикиб ўтирган бўлсанг, унинг ўқимайтганлигини қандай қилиб кўрдинг?
Нодон бола шарманда бўлди, болалар унинг устидан мириқиб қулишди.
КИССА: Доно одам олдида қандай гап айтмайлик, у гапимизни ақл тарозусида ўлчаб, сўнг ўзимизга баҳо беради. Зеро, агар биз бирон одам гийбатини қиладиган бўлсак, доно ҳамсухбатимиз эзгуликда бизнинг одамларга гараз ниятда эканлигимизни тушунади. Кейинчалик бизга ҳатто эътибор бермай қўяди. Чунки биз бошқа бир одам билан суҳбатлашганимизда унинг ҳам гийбатини қилишимизни тушунади.
БАЙТ:
*Биродар, ҳар кимки айласа гийбат,
Лойиқдор ундайга дейилса лаянат.*
*Бундайларнинг жойи жаҳаннам бўлур,
Гийбатчига билсанг бу ҳам кам бўлур.*
● Нодон дўстдан кўра, ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай қунарли бошга солидики, кейин душман чангалидан қочиб қутулмайсан.
● Сўраб суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.
● Заиф, қўрқоқ, алдамчи дўстдан душман афзал.
КИССА: Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир кун тулки ўзини ов қилиб юрган экан оқ шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки унга ёлворибди.
– Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўш, мен эса бир кичик, озгин нотавон махлўқман.
Шер дебди:
– Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.
Шер ташлабди, тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.
КИССА: Дўст танлашда шошилимаслик керак. Аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини беафсолик, ғамдорлик болтаси билан узманг. Илло, сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг кунли тушмасин.
БАЙТ:
*Кимки дўстлиқни хор айлабди, уни
Қисмат жазолагай – чиқиб тугуни.*
● Ўзингиз ишонмай туриб, даҳоликни оруз қилма.
● Ўзига бино қўйиш ва манманлик – ақсизликдир.
● Шухратпарастлик – ўзимиз лойиқ бўлмаган шон-шухратга бевақф эга бўлишга уринишдан бошқа нарса эмас.
● Кимки ўзини ҳурмат қилмаса – у бахтсиз, аммо ким ортиқча манманликка берилса, у тентак.
● Ўз ўрнини билиш инсоннинг ўзалигини таниши демоқдир.
КИССА: Қора қарга оқ қозғани кўриб, у каби оппоқ бўлишни истабди. Ўз уясини ташлаб, бир қўл соҳилини макон айлабди. Бир неча йиллар қора қарга оқ бўлиш мақсадида шўр сувда чўмилибди, лекин фойдаси бўлмади.
КИССА: Киши ўзи эришган аҳвол билан қониқиб қаркор. Тарвуз пўчоғига дарахт баргидан қанча ўрнатиб, денгизда сузмоқчи бўлган суваракнинг тақдири аёнлиқ каби, ўз мартабасига қарамаздан иш тутган кишининг келажаги ҳам равшандир.
БАЙТ:
*Умид қилма бўлсанг аслида нопос,
Қора налат ювсанг ҳам бўлсанг оқ.*
Махмуд КОМИЛҲОНОВ тайёрлади.

Ҳаёт сабоқлари

АЁЛ БУРЧУ

Шаҳзода ўрта ҳол оиланинг Нуриноси исмли қизини севиб қолибди. Аммо ота-онаси қизини тенгимиз эмас деб Шаҳзодангиз уйланишига кўп қаршилиқ кўрсатишди. Ниҳоят Шаҳзода ўз маҳоратини усталик билан ишлатиб севилисига уйланибди... Нуриноси табиадан ақл-идрокли, хушбин ва меҳнатсеварлиги билан ҳур-матга сазовор бўлибди. Шаҳзода ота-сининг вафотидан кейин тахтга ўтирибди. Шундан кейин ҳам Нуриносига бўлган содиқлигини бир дақиқига ҳам унутмабди. Кунларнинг бирида дугониси Нуриносига «Сен бахтлиларининг бахтлисинсан, эринг ўз хотинининг қадр-қиммати-ни ўрнига қўйишда ва вафодорликда тенги йўқ подшоҳдир», деди. Шунда Нуриноси дугонасига қараб:

вақтларда ошхонада соатлаб тик турардим, эндиликда бундай қилсам ҳолдан тояман. Эшитишимга қараганда нариги дунёда у ёки бу кишига касбнинг нима ва уни қайси даражада адо этдинг деган савол берилар эмиш. Шундан кимки ўз касбини қилмай ташлаган бўлса гуноҳкор деб ҳисобланар эмиш. Демак, Оллоҳнинг марҳамати ила у ёки бу кишининг пешонасига муҳрланган касбга содиқлик бу дунёнинг ҳам, у дунёнинг ҳам зийнатидир. Қани энди мен ҳам ўз кўлим билан ширин-шакар овқатлар пишириб эримдан раҳмат сўзларини эшитсам, ўз кўлим билан ювилган кийимларни эримга кийгизиб севиנסам, қанийди болаларимни ўзим ювинтирсам. Шундагина завқ-шавқа чулганиб, юрагимдан севишиб кучимга кўп қўшиларди. Ўзимнинг аёллик бурчимни адо этиб кўнглим хушнуд ва юзим ёрғу бўларди, –дебди. Нуриносонинг юрак сўзлари подшоҳнинг қулоғига бориб етибди. У хотинининг орузи ва дардини тушуниб унга уй-рўзгор ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланишга рухсат берибди. У лаззатли овқатларни истеъмол қилиб Нуриносига «Сени тарбиялаган ота-онанг миңг раҳмат, еб тўймайдиган бундай овқатларни кўрмаган эдим. Улар қайфиятимни кўтариб, қувватимни ошириб юборди. Сени меҳр билан юрган кийимларинг аъзои баданимга роҳат бахш этмоқда. Фарзандларимиз ҳам она меҳрига тўйиб тетиклашдилар», дебди.
Шу тариха Нуриноси муроди мақсадида эри билан узоқ ва бахтли ҳаёт кечирди.
Ҳамид ЗИЕВ, профессор.

2001 – Опалар ва болалар йили

САХОВАТ МАРКАЗИНИНГ САХОВАТИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг сай-ҳаракати ҳамда Германияликларнинг кўмаги билан очилган «Аёлларни ижтимоий мослаштириш» маркази Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини бошлаганига айтарли кўп бўлгани йўқ. Тенг ҳуқуқлилик, ошқоралик ва демократия асосидаги нодавлат нотижорат ташкилотига бўлган ушбу саховат маркази кам таъминланган, муҳтож хотин-қизларни қасб-хунарга ўргатиш, билим бериш доирасида яна бир савобли ишга қўл урди.

бўлганлиги боис бу ерда сартарошхона ёки пойабзал тузатиш устaxonаси хусусида қандай иш олиб бориш, нимадан иш бошлаш кераклигини машғулотлар довомида билиб олдим. Ушбу семинар-машғулотлар кам таъминланган, муҳтож хотин-қизларни бепул ўқитиб, қўшимча касб-хунарга ўргатди. Мазкур семинар иштирокчилари тегишли шаҳодатномаларни олишар экан маҳаллалардаги ишсиз аёлларни ишга, хунар ўрганишга жалб қилиш ниятлари борлигини ихзор қилишди.

Пойтахтимизнинг Бектемир тумани марказдан анча йироқда жойлашганлигини ҳисобга олган марказ раҳбарлари Бектемирлик аёллардан бир гуруҳини туманининг ўзида ўқитиш тақлифига ижобий жавоб берибди. Дастлаб туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туман меҳнат биржаси биносида олий тоифадаги мутахассис Тамара Шомаҳмудова раҳбарлигида «Хисобчилик касби асослари» курси ўқитилди. Ушбу курсда таълим олган хотин-қизлар билан яна уи кўнлик семинар ҳам ташкил қилинди. Кауттерлар Консарциум халқаро ташкилоти мураббийлари Елена Сабирова ҳамда Александр Чувалар уч кун давомда тингловчиларга «Кичик бизнесни ривож-лантириш» мавзусида Нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий барқарор-

лиги бўйича машғулотлар ўтдилар. Машғулотлар оқори даражада, жуда қизиқарли ўтди, – дейди семинардан олган тақлиротларини биз билан ўртоқлашар экан Олим Аширов номи маҳалладан келган Гулмира Мансурова. – Семинар бизга маънавий ва руҳий мадад бериш билан бир-га, ўз тижорат ишларимизни ривожлантиришимизга ёрдам беришига ишонаман. Сабоби машғулотлар довомида биз «Бизнес режа» тузишдан ушбу режаларни амалиётда қўллашгача ўргандик. Мен эса семинар-маш-ғулотга «Бинокор» маҳалласидан келганам, – дейди Саодат Султонова. – Олти нафар фарзандим бор. Ўй бекасиман. Яқинда ўғилларим билан маслаҳатлашиб бир ишнинг бошласам деган ният қилгандик. Маҳаллаимиз туман марказидан анча олисда

Равшан ИСОҚОВ.

«Оила кутубхонаси» туркумида ТИББИЁТДАН ЯНГИ ҚўЛЛАНМАЛАР

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти китобхоналарга қизиқарли адабиётларни тақдим этмоқда. «Бизнинг поликлиника», «Табобатдан сабоқлар» туркумларида чоп этилган рисолалар ҳам кўнчилиқда қизиқиш уйғотмоқда. «Оила кутубхонаси» деган янги туркумда босмага тайёрланган китоблардан унга яқин навшардан чиқди. «Еш оналарга шифокор маслаҳатлари» деб номланган рисола ҳам теъза ом-

малашиб кетди. «Аёлларга ўғитлар» номли китобча «Оила кутубхонаси» туркумида чоп этилган қизиқарли на-врлардан бири бўлди. Бу ҳар иккала китобча ёш оналарга фарзандларини соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш-да жуда қўл келадди. Нашриёт оналик ва бола-лик соғлом турмуш тарзини ёритишга хизмат қиладиган яна қатор адабиётларни чи-қарди. «Болалар физиологи-яси» ўқув қўлланмаси тибби-ёт билим юрларига яқин со-вага бўлди. Тиббиёт институт-

Ақбар АЛИЕВ



Сенга бир гап айтмайми?

Равиль Альбеков олган сурат.

Кулги бекати

Лабораторияда тажриба ўтказиб...

Бир маст киши ҳамроҳига...

Эрини ҳиёнатда гумон қилган...

Тушлик тугади. Идиш-товуқлар...

— Ҳар сафар мана шу спирт...

— Ҳа, ўғлим, менга нима демокчи эдинг?

— Сиз қизимнинг қўлини суряясиз...

— Ҳа, ўғлим, менга нима демокчи эдинг?

— Албатта! — Яхшилаб ўйлаб кўринг.

— Ойижон, тошбақам ўлиб қолди!

— Ҳа, ўғлим, менга нима демокчи эдинг?

— Албатта! — Яхшилаб ўйлаб кўринг.

— Ойижон, тошбақам ўлиб қолди!

— Ҳа, ўғлим, менга нима демокчи эдинг?

— Албатта! — Яхшилаб ўйлаб кўринг.

— Ойижон, тошбақам ўлиб қолди!

Футбол янгиликлари

ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ ИШ БОШЛАДИ

Ливандаги Осиё чемпионати мусобақаларидаги...

ков етакчилигидаги «Шахтёр» жамоаси Украина кубоги...

ДАСТАЛАБКИ

Ўтган ҳафтада Жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларига...

УЧРАШУВ

кистон-1 жамоаси устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

ЖАРОҲАТ

Россия чемпионатида муваффақиятли тўп суратган...

ҚИММАТГА

роҳати туфайли боришга мажбур бўлди. Аммо москвалик...



«МУШТУМ» Ва «АФАНДИ» газетаси — КУЛГИ ХОНА МЕҲМОНИ

МУСАҲҲИХ ЯНГИЛИШГАНДА

- Кўнгли сочқ (очик) киши. • Толнинг (молнинг) эркаги.

ЛОФ

Лутфи лофчи гап бошлади: — Кеча ярим тунда эрим тушмагур...

«01»

«ТИЛСИЗ ЁВ» ЖИЛОВЛАНМОҚДА

Ҳожибой ТОЖИБОЕВнинг репертуаридан

Бир бемор врач ҳузурига келиб: — Бир овқат осам молдай овқат сйман...

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

«Ойи, қулгингизни бериб туринг, бир гап айтман»



ТУЗСИЗ ҚЎШИҚЛАР

«Иш бизга ёрди, Бошқаси бекордир» (Йигирма беш маротаба тақроқлабдан нақаротан)

МУҲТАРАМ КУЛГИ МУҲЛИСЛАРИ!

Барчангизга маълум, Мустақиллик йилларида «Муштум» журналі ўз мазмун-моҳияти...

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЯҶОНА КУЛГИ НАШРИ БЎЛГАН

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ (индекс — 842) ва «АФАНДИ» ГАЗЕТАСИГА (индекс — 590) 2001 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Зохид АҚРОМОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси Шайхонтоҳур тумани 5-мустикал ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмининг катта муҳандиси, ички хизмат майори.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг шаҳар хўжалик судининг судьяси Сайёра Арифжанова Шодиева ладари буруворори Орифхон ота КОМИЛОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.